Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

2007 ЙИЛ, 1 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 211 (11.020) Баҳоси эркин нархда

ИШОНЧЛИ ВА ФАОЛ ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 31 ОКТЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ ХАРУХИКО КУРОДАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон дунёдаги аксарият йирик халқаро молия муассасалари билан алоқа ўрнатганини, лекин Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

— Сиз билан ҳар бир учрашувимиз ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислом Каримов.

ОТБ иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг яқин, ишончли ва фаол ҳамкорларидан. Банк мунтазам равишда Ўзбекистон билан ҳамкорлик стратегияси ва дастурини ишлаб чиқиб, ҳаётга изчил татбиқ этиб келмоқда.

Ўзбекистон ушбу молия муассасасига аъзо бўлган 1995 йилдан буён ОТБ мамлакатимизга 875,6 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Бу маблағлар транспорт инфратузилмаси, энергетика, қишлоқ хўжалиги, коммунал хўжалик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек, умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳаларидаги стратегик аҳамиятга молик 21 лойиҳа ижросига йўналтирилган. Бундан ташқари, техникавий ёрдам тариқасида 62 грант тақдим этилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 32 миллион АҚШ долларидан ошади. Мамлакатимиздаги лойиҳаларни молиялаштириш борасида ОТБ халқаро молия муассасалари орасида биринчи ўринда туради.

Айни пайтда уч йилга мўлжалланган янги Молиявий ҳамкорлик дастурига мувофиқ 16 устувор лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш режалаштирилмоқда. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мактабларни жиҳозлаш, таълим тизимига ахборот ва коммуникация технологияларини жорий қилиш, транспорт инфратузилмасини замонавийлаштириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш каби йўналишлардаги бу лойиҳалар учун 510,7 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш кўзда тутилган.

Ҳамкорликнинг изчиллиги босқичма-босқич амалга оширилаётган лойиҳаларда яққол кўзга ташланади. Масалан, 2005 йилда Навоий ва Қашқадарё вилоятларида қишлоқ жойларда сув таъминотини яхшилаш лойиҳалари учун ОТБ 36 миллион долларлик кредит ажратган бўлса, навбатдаги ҳамкорлик дастури доирасида Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидаги шундай лойиҳалар учун ушбу муассасанинг 25 миллион доллар кредитини жалб этиш мўлжалланган. Шу тариқа 2009 йилга бориб, мамлакатимиз бўйлаб қишлоқ жойларда сув таъминотини яхшилаш бўйича лойиҳалар тўла якунига етиши кутилмоқда.

Ўзбекистон ва ОТБ ҳамкорлиги кўп томонлама асосда ҳам ривожланмоқда. Банк раҳбарияти Марказий Осиёда энергетика, савдо ва транспорт инфратузилмаси каби устувор йўналишлар бўйича минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида бошқа халқаро молия муассасаларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириб боради.

Х.Курода самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистонда йиллик иқтисодий ўсиш 8-9 фоизни ташкил этаётгани мамлакатимизнинг юксак иқтисодий салоҳиятидан далолат эканлигини таъкидлади.

— ОТБ Ўзбекистон билан фаол ҳамкорликни давом эттириш ва изчил ривожлантириб бориш тарафдори, — деди у.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон — ОТБ муносабатларига доир масалалар, қўшма лойиҳалар ижросининг бориши ва янгиларини ишлаб чиқиш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ 1996 ЙИЛДАН БУЁН ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ КЎПЛАБ СОҲАЛАРИГА САРМОЯ КИРИТИШ ОРҚАЛИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ КЕЛМОҚДА. ОТБ БИЛАН ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ ТАЪЛИМ, ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ТРАНСПОРТ ВА ТРАНСПОРТ КОММУНИКАЦИЯЛАРИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МОЛИЯ, САНОАТ, САВДО, ЭНЕРГЕТИКА КАБИ СОҲАЛАРДА ҚЎЛГА КИРИТИЛАЁТГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРДА ЯҚҚОЛ КЎЗГА ТАШЛАНАДИ.

Ушбу халқаро молиявий муассаса ўтган йили Ўзбекистон учун 2006-2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегияси ва дастурини тасдиқлаган. Дастурда 2007-2008 йилларда жами 14 лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, умумтаълим мактабларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш каби соҳаларни қамраб олади.

Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Куроданинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси билан ОТБ ўртасида яна бир ҳужжат – «Давлат молияси бошқарувини ислоҳ қилиш» лойиҳаси бўйича кредит битими имзоланди.

(ЎзА)

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БЎЛАДИГАН МАЖЛИСИ ҲАҚИДА

2007 ЙИЛ 2 НОЯБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Унда Қозоғистон Республикаси Бош вазири К.Масимов, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари В.Цзябао, Қирғизистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчи А.Атамбаев, Россия Федерацияси ҳукумати раиси В.Зубков, Тожикистон Республикаси Бош вазири О.Оқилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, ШҲТ Бош котиби Б.Нургалиев ва ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори М.Субанов иштирок этадилар.

Мажлисда ШҲТда кузатувчи мамлакатлар вакиллари – Ҳиндистон Республикаси давлат ташқи ишлар вазири Е.Ахамед, Эрон Ислом Республикаси биринчи вице-президенти П.Довудий, Мўғулистон Бош вазирининг ўринбосари М.Энхсайхан ва Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Х.Касури, шунингдек, меҳмон сифатида Афғонистон Ислом Республикаси биринчи вице-президенти А.Масъуд қатнашадилар.

Мажлисда ШҲТга аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгаши ва Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Ташкилот доирасида савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ва алоқаларни янада мустаҳкамлаш чора-тадбирларига оид қарорларининг ижроси ҳақидаги, ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банкларарo бирлашмаси фаолиятининг ШҲТ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг 2006 йил сентябрда Душанбе шаҳрида бўлган сўнгги мажлисидан кейинги даврдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар тингланиши режалаштирилмоқда.

Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси доирасида Қўшма баёнот, ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги битимлар ва қатор бошқа ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизмати

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар



Ислоҳотлар оқимида



МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИГА МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ТИББИЙ МУАССАСАЛАР МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. АЙНИҚСА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТИББИЁТ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР КЎЗ ЎНГИМИЗДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА. ШУ БИЛАН БИРГА МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2007 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРДАГИ «СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҲАМ ТИББИЁТ СОҲАСИГА, ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИГА ЯНАДА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНЛИГИДАН ДАЛОЛАТДИР.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўтган йили янгитдан бунёд этилган Учтепа туманидаги 8- оилавий поликлиника ҳам аҳолига бирламчи хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган барча тиббий анжомлар билан таъминланиб, замонавий аппаратлар ўрнатилганлигини таъкидлаш ўринли. Бугунги кунда мазкур поликлиникада яратилган шарт-шароитлар ва бу масканда беморлар дардига шифо бўлаётган тиббиёт ходимларининг хизматидан аҳоли бениҳоя миннатдор. Ҳозирги кунда 42340 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган шифо масканида 50 дан ортиқ малакали тиббиёт ходимлари, ўз касбининг жонкуярлари аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида беминнат фаолият кўрсатмоқдалар. Замонавий қиёфага эга бўлган ушбу шифо масканида хоналар тўлиқ компьютерлаштирилиб, энг янги тиббий жиҳозлар, лаборатория ускуналари, зарур дори-дармонлар билан таъминланган. Стоматология хонасига ўрнатилган замонавий аппарат тишни оғриқсиз даволаш имконини беради. Рентген аппарати эса плёнка ва реактивларсиз тасвирни тўғридан-тўғри компьютерга кўчиради. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, поликлиникада ҳар бир оиланинг тиббий паспорти жорий қилиниб, компьютер хотирасига киритилган. Бундан ташқари аҳолини соғломлаштириш мақсадида бу ерда соғломлаштириш, уқалаш, тренажёр, ЭҲМ ва УЗД хоналари мавжуд бўлиб, улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Шунингдек, шифо масканида оила шифокори билан биргаликда кардиолог, ортопед, отоларинголог, стоматолог, акушер-гинеколог, жарроҳ сингари йўналишлар бўйича олий малакали шифокорлар беморларга самарали тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Поликлиникада фаолият юритаётган 24 нафар оилавий шифокор ўз ҳудудларига биркитилган аҳоли саломатлигига масъул бўлиб, ҳар бир оиладаги беморларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиб, керакли маслаҳатлар беришади. Кексалар ва фертиль ёшидаги аёлларни эса вақтида тиббий кўрикдан ўтказиб, саломатликларини тиклашларида яқиндан кўмак бермоқдалар. Зеро, халқ саломатлиги—юрт бойлиги деб бежиз айтилмайди. Бебаҳо бойлигимиз бўлган саломатлигимизни асрабавайлашда шу сингари оилавий поликлиникалар ва уларда ўз касбининг фидойилари бўлган оқ халатли тиббиёт ходимларининг хизматлари таҳсинга сазовордир.

Дилдора ШОКИРОВА

СУРАТЛАРДА: 8-оилавий поликлиника фаолиятидан лавҳалар.

Козим Ўлмасов олган суратлар

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида уюштирилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий истиқлол ғоясининг аҳамияти» деб номланди.

●**БУГУН** Тошкент Давлат ирригация ва мелиорация институтида уюштирилган халқаро конференция олий таълим сифатини янада яхшилашнинг долзарб масалаларига бағишланади.

●**ЎТГАН** куни «Жар» спорт мажмуасида профессионал бокс бўйича ўтказилган рейтинг жанглари ҳамюртларимиздан ташқари, тожикистонлик ва қозоғистонлик чарм қўлқоп усталари ҳам иштирок этишди.

●**ЎЗБЕКИСТОН** футбол федерацияси ташаббуси билан футболимиз мутасаддилари ва мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида уюштирилган матбуот анжуманида БАА яшил майдонларида ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатига саралаш турнири гуруҳ баҳсларида ғолибликни қўлга киритган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг учрашувлари ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берилди.

●**РЕСПУБЛИКА** Саломатлик институтининг Тошкент шаҳар бўлими ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази ҳамкорликларида ёшлар, шифокорлар иштирокида ОИТС ва гиёвандликнинг ёшлар орасида тарқалишининг олдини олиш ва ушбу иллатнинг зарарли оқибатларига бағишлаб уюштирилган анжуман Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ташкил этилди.

●**«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши вакиллари иштирокида уюштирилган анжуман «Ёшлар камолотида миллий қадриятларнинг ўрни» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонларида белгиланган оналик ва болаликни ҳимоя этиш, соғлиғини муҳофазалашда давлат ва жамоат муассасаларининг роли» мавзуига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

●Самарқандда «Адвокатуранинг замонавий ҳолати, муаммо ва ривожланиш истиқболлари» мавзуида халқаро конференция бошланди. Ушбу анжуманда мамлакатимиз, шунингдек, Россия,Қозоғистон, Озарбойжон, Латвия, Литва сингари мамлакатлардан мутахассис ва ҳуқуқшунослар иштирок этмоқда.

●Фарғонада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида ташкил этилган «Янги авлод—2007» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Мазкур фестивалда маҳаллий ёш иқтидор эгаларидан ташқари андижонлик болалар ҳам қатнашишди.

●Қаршида илк бор Шаҳар куни байрами ўтказилди.

●Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бир йилда 5898 тага кўпайиб, уларнинг сони 29532 тага етди. Шу тариқа, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 4286 та янги иш ўрни яратилди.

●Наманганда «Helil-SilK LTD» Ўзбекистон –Хитой янги қўшма корхонаси ташкил этилди. Бу ерда ҳар йили 300 тонна пиллани қайта ишлаш ҳисобига 97 тонна ипак калаваси ишлаб чиқарилади. Янги корхонанинг ишга туширилиши муносабати билан 200 киши ишли бўлди.

●Уйчи туманидаги Қизилравот қишлоғида 540 ўқувчига мўлжалланган янги спорт коллежи фойдаланишга топширилди. 10-механизациялаштирилган кўчма колонна қурувчилари томонидан барпо этилган ушбу объектга 650 миллион сўмга яқин бюджет маблағи сарфланди.

●Жиззах вилоятида кузги-қишки мавсумга тайёргарлик давомида 1991 йилгача қурилган 195 та кўп қаватли уйнинг 183 таси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Қолганларида ҳам таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

●Нукус шаҳрида «Йил аёли-2007» танлови бўлиб ўтди. Унда Нукусдаги 31-мактаб директори ўринбосари Ойзода Нуримбекова ғолиб чиқиб, танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг Филадельфия штатида мамлакат президентлигига номзодларнинг сайловолди дебатлари бўлиб ўтди.

● Японияда «F-2» қирувчи самолёти ҳавога кўтарилаётган пайтда ерга қулаб тушди. Мамлакат Мудофаа вазирлиги вакилининг билдиришича, ҳалокат рўй берган чоғда самолёт бортида икки киши бўлган ва улар тезлик билан шифохонага ётқизилган.

● Кеча Россиянинг Толъятти шаҳрида тиғиз пайтда йўловчи автобусида террорчилик ҳаракати содир этилди. Тахминларга кўра террорчи-камикадзенинг автобус ичида ўзини портлатиб юбориши натижасида 8 киши ҳаётдан кўз юмди, 63 киши эса турли даражадаги тан жароҳатларини олди.Шу муносабат билан Самара областида бугун мотам куни эълон қилинди.

● «NASA» Ойни ўрганиш илмий институти ташкил қилишни режалаштирмоқда. Ушбу институт NASA томонидан 2020 йилда Ойга қайта уюштирилаётган илмий экспедицияга тайёргарлик кўради. Институт 2008 йилнинг март ойидан фаолиятини бошлайди.

● Нью-Йорк товар биржасида бир баррел нефтнинг баҳоси 94,5 долларга чиқди. Нефть нархининг бундай кескин ошишига АҚШ валютаси қийматининг тушиши ва Мексика кўрфазида ҳавонинг ёмонлашуви сабаб бўлмоқда.

● Доминикан, Гаити ва Ямайка давлатларида «Моъэл» тропик довули қурбонларининг сони 60 нафарга етди.

● Россиянинг «Газпром» концерни Венесуэладаги учта газ конини ўзлаштиришни режалаштирмоқда. Компания ушбу конларда дастлабки биология-разведка ишларини якунлаган ва тегишли тартибда мамлакат ҳукуматига мурожаат қилган.

● Кеча Венесуэла президенти Уго Чавес Каракасда машҳур супер модел Н.Мандела болалар хайрия фонди вакили Наоми Кэмэпбеллни қабул қилди. Уларнинг 4 соатлик суҳбати жаҳондаги ижтимоий муаммоларга бағишланганлиги таъкидланмоқда.

● Жаҳоннинг энг бой одамлари бўлмиш америкалик Билл Гейтс ва Уоррэн Баффет бойлик бўйича ҳиндистонлик миллиардердан ортда қолдилар. Ишбилармон Мукеш Амбани эндиликда дунёнинг энг бой одамига айланди. Ҳиндистон қимматбаҳо қоғозлар бозорида унга қарашли компанияларнинг акциялари котировкалари ўсиши натижасида бу тадбиркорнинг бойлиги 63,2 миллиард долларга етди.

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ОЧИҚ, ОШКОРА, ХОЛИСОНА

САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ УШБУ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ АМАЛДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПИШИДА, ШУБҲАСИЗ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС. БУ БОРАДА АЙНИҚСА АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ, АЙНИ ПАЙТДА МАТБУОТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ГАЗЕТА, ТЕЛЕВИДЕНИЕ, РАДИО, АГЕНТЛИКЛАРГА ТЕЗКОР ВА АНИҚ МАЪЛУМОТ ОЛИШИДА КЎМАКЛАШИШИ АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГАДИР.

Марказий сайлов комиссияси матбуот марказининг таркибий тузилмаси сифатида ҳар бир округ сайлов комиссияси қошида ташкил этилган матбуот хизмати фаолияти айнан шу мақсадга йўналтирилган. Қолаверса, матбуот хизматлари орқали республика барча минтақаларини тўлиқ қамраган ҳолда сайлов кампаниясининг ҳар бир жабҳаси тенг ёритилишини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази томонидан бевосита округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари учун яқинда уюштирилган илмий-амалий семинарни эса ушбу тузилмаларнинг ўзига хос ҳаракат дастури сифатида хизмат қилади дейиш мумкин. Мазкур тадбирнинг моҳияти ва аҳамиятига эътибор қаратадиган бўлсак, биринчи навбатда баъзи ташкилий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий масалалардаги бўшлиқни тўлдиришга қулай имконият яратилди. Аммо энг муҳими шундаки, семинар давомида ўзига хос таҳлил ўтказилиб, деярли аксарият матбуот хизматлари таркиби талаб даражасига жавоб беради деган хулоса чиқарилди. Ҳақиқатдан ҳам, матбуот хизматига ўз ишининг усталари—ташкилотчилик бобида ҳамда журналистика соҳасида тегишли малакага эга мутахассислар жалб этилгани ва улар ёрдамида журналист ҳам вақтида, ҳам ҳаққоний ахборот ола олишига ишонч ҳосил қилинди.

Уч кун давом этган семинарнинг илмий қисмида экспертлар, жумладан, Марказий сайлов комиссияси, Конституциявий суд, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Минтақавий сиёсат жамғармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Тошкент Давлат юридик институти мутахассислари қатнашди. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, кун тартиби фақат мутахассисларнинг сайлов кампаниясига доир ахборотлари, қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг шарҳи билан чегараланмади. Семинарнинг асосий қисми савол-жавобларга бағишланган бўлиб, бу борада журналистлар томонидан шунчаки қонуний-ҳуқуқий масалалар кўтарилгани йўқ. Кўп жиҳатдан ҳаётий масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Экспертлар билан бўлган мулоқотда матбуот хизмати вакиллари асосий урғуни ўз вазифалари доирасида шу кунгача юзага келган муаммоларга қаратишди, шунингдек журналист сифатида ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга малакали жавоб олишга муваффақ бўлдилар. Хусусан, сайловда журналистнинг вазифаси қандай — у кузатувчими ёки таҳририят вакили деган саволга, назаримизда, Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Низомиддин Нурматовнинг жавоби аниқ ва лўнда бўлди. Журналист кузатувчи сифатида у ёки бу сиёсий партия, бошқа сайлов иштирокчиси ёки бирон-бир манфаатдор ташкилотнинг манфаатини кўзлаган бўлса, демак у кузатувчи вазифасини амалга оширади ва бу борада кузатувчиларга оид тегишли меъёрларга бўйсунган ҳолда иш юритади. Агар журналист сайлов кампаниясини ёритишга аккредитация қилинган бўлса, ўз-ўзидан таҳририят номидан иш олиб боради.

Семинарда матбуот котиблари эътиборига сайлов кампаниясининг бориши хусусида тўлиқ ахборот берилди. Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов ахборотидан келиб чиққан ҳолда, бу борада амалга оширилган ишлар, шунингдек, галдаги тадбирлар ҳақида бироз тўхталиб ўтсак, фойдадан ҳоли бўлмайди. Шу кунгача Марказий сайлов комиссияси томонидан тадбирлар календарь режасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари миқёсида сайлов округлари тузилиб, округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиби тасдиқланди, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида бешта сиёсий партия ва битта сайловчилар ташаббускор гуруҳи иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Округ сайлов комиссиялари ҳам ўз вазифаларини бажаришга киришишди. Республика минтақалари бўйича тузилган 14 та округ сайлов комиссияси қарори асосида жойларда сайлов участкалари (республика бўйича 8250 та) ташкил қилинди.

Сайлов участкалари авваламбор сайловчилар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, қоида тариқасида, ҳар бир участка бўйича камида 20 нафар ва кўпи билан уч минг нафар киши ҳисобидан тузилди. Аммо Марказий сайлов комиссияси раиси ахборотига кўра, бу якуний меъёр эмас, қўшимчалар ҳам бўлиши мумкин. Бу борада яна сайловчилар манфаати инобатга олинади. Масалан, узоқ чекка жойлар, тоғли ҳудудларда 15-18 нафар, яъни меъёрдан кам сайловчилардан иборат участка ҳам ташкил этилиши назарда тутилган. Сайлов кампаниясининг айни пайти эса, таъкидланганидек, энг мураккаб ҳисобланади, чунки бирданига бир нечта жараён кетмоқда. Қонун талабларига асосан 13 ноябрга қадар ҳар бир участка бўйича комиссия шакллантирилиши лозим. Албатта, аъзоликка номзодлар бир нечта мезон асосида сараланади. Комиссияга биринчи галда сайлов ҳуқуқига (ёши жиҳатдан) эга, жамоатчилик орасида обрў-эътиборли, ижтимоий-сиёсий масалалардан яхши воқиф, ташкилотчи, шу билан бирга бирон-бир сиёсий партия манфаатидан йироқ бўлганлар киритилади. Участка сайлов комиссиялари таркиби округ сайлов комиссияси томонидан сайловга 40 кун қолганда тасдиқланади. Участка сайлов комиссиясининг энг муҳим ва биринчи галдаги вазифаси — бу сайловчилар рўйхатини тузишдир. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу жараён туман ҳокимликлари, маҳалла фаоллари кўмаги остида бошлаб юборилди. Эслатиб ўтамиз, давлат статистикаси маълумотига кўра, 2007 йил 1 январь кунига республика бўйича 16 миллион 297,4 минг, шу жумладан Тошкент шаҳрида 1 миллион 531,4 минг сайловчи рўйхатга олинган. Ҳозирги ҳисобга олиш жараёнида ушбу рақам ҳам ўзгариши мумкин, бу борада сайлов куни – 23 декабрда 18 ёшга тўладиган фуқаролар ҳам инобатга олинади.

Семинарда вақтинча республика ҳудуди ташқарисида бўлган сайловчиларнинг қонуний ҳуқуқлари қай тарзда таъминланиши хусусида изоҳ берилди. Ушбу тоифадаги сайловчилар учун хорижий давлатлардаги Ўзбекистон элчихона ва ваколатхоналарида ҳозирча 43 та сайлов участкаси ташкил этилган. Чет давлатлардаги фуқароларимиз овозини умумлаштириш вазифаси республика ҳудудида ташкил этилган аниқ бир сайлов участкаси зиммасига юклатилади.

Ҳозирда шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаш жараёни давом этмоқда. Сиёсий партиялар томонидан Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиладиган имзо варақаларида республика бўйича жами сайловчиларнинг камида беш фоизи (саккиз юз мингдан зиёди) қамраб олинган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни кўрсатиш сайловга 65 кун қолганда бошланиб, 45 кун қолганида тугайди. Белгиланган меъёрда имзо тўплай олмаган у ёки бу сиёсий партия ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳи ўз-ўзидан кейинги сайлов жараёнларида иштирок эта олмайди. Марказий сайлов комиссияси қошида тузиладиган махсус ишчи гуруҳи томонидан имзо варақаларининг қонунчилик талабларига мувофиқлиги текшириб чиқилади. Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилгани аниқланган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партия ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжатлар қабул қилишни рад этади. Номзодларни рўйхатдан ўтказиш сайловга 35 кун қолганида, яъни 18 ноябрда тугайди ва шу кундан сайловолди ташвиқоти бошланади.

Айтиб ўтиш жоизки, сайлов кампаниясининг айнан шу жараёни бўйича семинар иштирокчиларида кўп саволлар бўлди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ рўйхатдан ўтган номзодларга, уларни кўрсатган сиёсий партияларга ва сайловчилар ташаббускор гуруҳига Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Шу билан бирга у ёки бу сиёсий партия ёки номзоднинг илтимосига биноан бу ҳуқуқ кенгайтирилиши мумкин, аммо қачонки худди шундай ҳуқуқ бошқа номзодларга ҳам берилса.

Маълумки, деярли ҳар бир сиёсий партия ўз босма нашрига эга бўлиб, бундай минбардан ўзи истаганича фойдаланиши, яъни бирон-бир чекловсиз сайловолди ташвиқоти юритиши мумкин. Аммо Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори ўринбосари Шуҳрат Файзиев таъкидлаб ўтганидек, бу борада сиёсий партия сайловолди ташвиқоти бошланишига доир меъёрларга қаттиқ риоя этиши лозим. Албатта, ҳар қайси партиянинг сайлов кампанияси пайтида ва ундан олдин ҳам ўз дастурини тарғиб этиши тақиқланмаган. Бироқ бу борада партия умумий дастурининг сайловолди дастуридан катта фарқи борлигини унутмаслик керак. Сайловолди дастури фақат номзод рўйхатдан ўтгандан сўнг кенг намойиш этилади.

Ушбу мавзу Олий Мажлис Қонунчилик палатасида — сиёсий партиялар фракциялари аъзолари билан учрашувда ҳамда «Бунёдкор» телеклубида бўлиб ўтган экспертлар ва сиёсий партиялар нашрлари бош муҳаррирлари иштирокидаги қизғин баҳсларда ҳам ўз аксини топди. Семинарнинг амалий қисми доирасида шунингдек, Марказий сайлов комиссияси, Тошкент шаҳар ва пойтахт вилояти округ сайлов комиссиялари фаолияти билан бевосита танишув уюштирилди, Собир Раҳимов туманидаги «Истиқлол» маҳалласи ҳудудида ташкил этилган 278-сайлов участкасига ташриф ташкил этилди.

—Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир семинар иштирокчиси авваламбор ўз ҳуқуқий билимини янада бойитди десам, муболаға бўлмайди, — таъкидлади Самарқанд округ сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Дилмурод Тўхтаев. – Шахсан ўзим қизиқтирган барча саволларимга мазмунли жавоблар олдим. Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси журналистлар учун яратган шарт-шароитлардан жуда таъсирландим. Кенг, ёруғ хона Интернет тизимига уланган компьютерлар билан жиҳозланган. Телефон, факс орқали, зарур бўлганда, жойидан тўғридан-тўғри эфирга уланиш, тегишли маълумотларни электрон манзил бўйича таҳририятга жўнатиш имконияти бор.

— Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, журналист маҳоратига кўп нарса боғлиқ, — деди Фарғона вилояти округ сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Тилаволди Жўраев. — Мухбир кенг оммага сайлов кампанияси ҳақида холисона, тушунарли шаклда ахборот бериш қобилиятига эга бўлмоғи лозим. Демак, семинарда нимаики гапирилган, намуна сифатида кўрсатилган бўлса, бу масалаларни яна бир карра жойларда матбуот анжуманларида муҳокама қилиб олишимиз керак бўлади. Ҳар бир журналист қонун доирасида иш юритиши, бунинг учун эса тегишли қонунлар меъёрларини чуқур ўрганиб, ҳар доим сайлов ҳамда ўз касби принципларига содиқ бўлиб қолиши, яъни фақат ҳаққоний ва холисона фикрга эга бўлиши лозим.

Дарҳақиқат, мазкур илмий-амалий семинар барчага – иштирокчиларга ҳам, ташкилотчиларга ҳам бирдек фойдали бўлди. Зеро, Марказий сайлов комиссияси раиси таъбири билан айтганда, айни пайтда ҳар биримизнинг мақсадимиз ҳам бир — сайлов кампаниясининг барча жараёнларида юксак фуқаролик нуқтаи назарини намоён этган ҳолда ошкоралик ва шаффофлик таъминланишига ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ — МАҲАЛЛАНИНГ ИШОНЧЛИ ПОСБОНИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА. ХУСУСАН, МАЗКУР ТИЗИМНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ БЎЛГАН ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС ТАРЗДА ШАКЛЛАНТИРИЛДИ. БУНДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ СОҲА ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛМОҚДА.

Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида ички ишлар идоралари тизимида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият, давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтиришга қаратилган ишлар самарадорлиги ортаётир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Шавкат Ҳикматовнинг айтишича, бунда, айниқса профилактика хизматининг алоҳида ҳиссаси бор. Профилактика инспекторлари нафақат жиноятчиликка қарши курашувчи; балки аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда фаол иш олиб борувчи масъул ходим сифатида намоён бўлмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, оқсоқол, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маҳалла посбонлари каби тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлик тобора яхшиланаётгани маҳаллалар муҳитини соғломлаштиришда муҳим ўрин тутаётир.

Милиция таянч пунктларида тармоқ хизматлари ўртасидаги ҳамкорлик изчил йўлга қўйилиб, профилактика хизматининг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани туфайли иш самарадорлиги ортмоқда. Ҳозир мамлакатимизда 3,5 мингдан ортиқ милиция таянч пункти фаолият юритмоқда.

Вояга етмаганлар ва ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида милиция таянч пунктларининг 68 фоизи атрофида факультатив тўгараклар, 58 фоизининг ҳузурида кичик бизнес шохобчалари ҳамда қарийб 80 фоизининг қошида вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт майдончалари барпо этилган.

Яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаётгани, жамоатчилик билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида ўтказилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга йўналтирилган тадбирлар муваффақиятлар омили бўлмоқда. Айни шундай саъй-ҳаракатлар натижасида 2006 йили уч мингга яқин, жорий йилда қарийб тўрт минг маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Масалан, пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Журжоний маҳалласида фаоллар ва профилактика инспекторларининг ҳамкорликда самарали фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар учун махсус ўқув курслари, кичик бизнес шохобчалари мунтазам ишлаб турибди. Шунинг учун маҳалладан соғлом муҳит, аҳиллик ва қутбарака аримайди. 2005 йилдан буён бу ерда бирорта ҳам жиноят қайд этилмагани юқоридаги фикрнинг тасдиғидир. Шу боис маҳалла аҳли жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» танловида биринчи ўринни қўлга киритди.

Профилактика инспекторларининг жамоатчилик билан ўзаро алоқалари тобора мустаҳкамланаётгани жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳити мустаҳкам жойда тинчлик ва осойишталик ҳамиша барқарордир.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Иқтисодиёт

ШИФОХОНА УЧУН ЯНГИ БИНО

ПОЙТАХТИМИЗДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЕНГ КЎЛАМДА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. БУНДА «4-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИНИНГ ҲАМ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР, АЛБАТТА.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган қатор иншоотларда ҳам трест қурувчилари фаоллик кўрсатдилар. Бугунги кунда ҳам улар ғайрат кўрсатиб, янги биноларни тугаллаш тараддудини кўришмоқда. Пойтахтимиздаги биринчи сонли Тошкент шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси ҳам фойдаланишга тайёр қилиб қўйилди. Тошкент давлат педагогика университетига қарашли академик лицей ўқув корпуси ҳам яқин орада ўқувчиларни ўз бағрига олади.

КАСАНАЧИЛИК ЙЎЛИ БИЛАН

ШАҲРИМИЗДАГИ КОРХОНАЛАРДА ҚЎШИМЧА ИШЧИ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШГА ЭЪТИБОР КУЧАЙДИ. КАСАНАЧИЛИК ҲАРАКАТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАНДАН БЕРИ КЎПЛАБ КИШИЛАР ИЖТИМОИЙ ФОЙДАЛИ МЕҲНАТГА ЖАЛБ ЭТИЛДИ.

Миробод туманида уйда ўтирган аёлар учун ҳам янги ишчи ўринлари барпо этилди. «Чўтка» корхонаси ишга яроқли ногиронларни турли хил чўткалар тайёрлаш жараёнига таклиф этди. Эндиликда бу ерда тиш чўткаси, соч тарайдиган, кийим чўткалари ҳам кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

Тумандаги маҳаллаларда касаначилик ҳаракати авж олиб кетди. Тикувчилик, пойабзал устахоналари очилиб, буюртмалар ўз вақтида сифатли адо этилмоқда.

ЯНГИ ФИЛЬТР ҚУРИЛМАСИ

«САНИПЛАСТ» ЎЗБЕК-ИСРОИЛ ҚЎШМА КОРХОНАСИ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРГИР БЎЛИБ БОРМОҚДА. УНИНГ МУҲАНДИСЛАРИ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ФИЛЬТР ҚУРИЛМА ҲАМ ТЕЗДА МУТАХАССИСЛАР ЭЪТИБОРИНИ ЎЗИГА ТОРТДИ.

Мазкур янги мослама мойнинг нефть маҳсулотларидаги эримаган қисмини тозалашга хизмат қилади.

Автотранспорт корхоналарида айланма сув ҳаракати тизимида ҳосил бўлган механик ифлосланишни бартараф этишда ҳам улар қўл келади.

Шунингдек, оқава сувларни, қудуқдан олинган сувларни фильтрлаш имконини берад.

Қурилма патентлаш идораси томонидан рўйхатга олинди.

ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ФОТОЭЛЕКТРИК СТАНЦИЯ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЭЛЕКТРОНИКА ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ОЛИМЛАРИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИНИНГ АКСАРИЯТИ ЭНГ ЯХШИ ИХТИРО ДЕБ БАҲОЛАНМОҚДА. ЯНГИ ЮЗГА КЕЛГАН ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ФОТОЭЛЕКТРИК СТАНЦИЯ ҲАМ МУТАХАССИСЛАР ЭЪТИБОРИНИ ТЕЗДА ЎЗИГА ТОРТДИ.

Бу станция қатор афзалликларга эга. Қуватув тизими ҳам ишлаб туради. Кун давомида қуёш ҳароратидан баҳраманд бўлиб, иссиқлик энергиясини ҳосил қилувчи мазкур техникавий восита ёрдамида махсус ўрнатилган қувурлар орқали қудуқлардан сув тортилади. Бу оби-ҳаётдан кейинчалик чорва моллари суғорилади. Бундай ихтиро қишлоқ жойларида яшовчи аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини қондиришда қўл келади. Олимлар яратган бундай механизм қатор ширкат хўжаликларида фойдаланиш учун тавсия қилинди.

КОРХОНА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

«ЎЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ДЕБ НОМЛАНГАН РОССИЯ-ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШМА КОРХОНАСИ ҚАЙТА ҚАД РОСТЛАДИ. ИЛГАРИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ДОНГ ТАРАТГАН БУ КОРХОНАНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ ЧЕТДА ҲАМ ХАРИДОРГИР БЎЛГАН ЭДИ.

Корхонани қайта тиклаш ишлари жадал олиб борилди. Эндиликда «Ўзэлектроаппарат-Электрошит» деган янги ном билан аталаётган корхона энг замонавий техника ва технологиялар билан таъминланди. Германия, Финляндия каби мамлакатлардан қудратли дастгоҳлар олиб келинди. Техникавий қайта жиҳозлаш учун уч ярим миллион доллар ҳажмида маблағ ажратилди. Янги қўшимча участкалар бунёд этилди. Кўрилган бу каби техникавий тадбирлар электроаппаратнинг қатор янги жиҳозларини ишлаб чиқариш имконини берди. Эндиликда шаҳар ва саноат трансформаторларининг нимстанциялари, юқори изланишли қурилмалар, электр тақсимлаш қутилари ҳам кўплаб тайёрланмоқда.

Бу ерда ташкил этилган ишчи ўринлари сони 250 дан ошиб кетди.

Аҳмад АББОСОВ

ЭКОЛОГИЯ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ

ПОЙТАХТИМИЗДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ҲАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БОШЛАНДИ.

Тадбир Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг иқтисодий ва атроф-муҳитга оид фаолиятни мувофиқлаштирувчи бўлими томонидан ташкил этилди. Унда йигирмага яқин давлатдан олимлар, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этаётир.

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. Исмоилов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби, аграр тармоқда ҳам изчил давом эттирилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. Чорвачилик, деҳқончилик ва тайёрланган мева-сабзавот, узум каби маҳсулотларни қайта ишлаш борасида улкан ютуқларга эришилмоқда. Соҳага илғор технологияларнинг кенг жалб этилаётгани атроф-муҳит мусаффолиги ва экологик мувозанатни изчил таъминлаш имконини бермоқда. Жумладан, томчилатиб суғориш усули яхши самара бераётир. Бунда сарфланадиган сув миқдори боғларда 50 фоиз, пахта ва ғалла учун 35-40 фоиз камаяди. Ҳосилдорлик эса 30-35 фоизгача ошади.

Бироқ, тоталитар тузум даврида нотўғри юритилган хўжалик фаолияти оқибатида айрим ҳудудларда сизот сувларининг кўтарилиши ва ерларнинг турли даражада шўрланиши содир бўлди. Шу боис сув ресурсларини тежайдиган технологияларни янада такомиллаштириш ва улардан фойдаланишни кенг оммалаштириш зарур.

Анжуманда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада яхшилашга қаратилган илғор технологияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш жараёнида яхлитликни таъминлаш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид мавзуларда маърузалар тингланади, ўзаро фикр алмашилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Аёл борки, олам мунаввар

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

Нишондорларимиз

МУВАФФАҚИЯТ ОРТИДАГИ МЕҲНАТ

ДИЛДОРА ЖАМОЛОВА. УСПЕНСКИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МАХСУС МУСИҚА ИНТЕРНАТ МАКТАБИ ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ «ТАСАННО» СЕРТИФИКАТИ ҒОЛИБИ, 2006 ЙИЛ «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ПЕДАГОГИК ГРАНТ ҒОЛИБИ. 2007 ЙИЛИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАН.

Бундай муваффақиятли саналар ҳисоби Дилдора опанинг ҳаёт йўлларида жудаям кўп. 2004 йили Литвада, 2005 йил Москвада, 2006 йилда эса АҚШ шаҳарларида Халқаро ўқитувчилар конференцияси ва мастер класс иштирокчиси сифатида иштирок этди. Ўзи таълим берган ўқувчилари билан Франция, Испания, Япония, Греция мамлакатларида бўлиб ўтган Халқаро пианиночилар кўрик- танловларида совринли ўринларни эгаллаб қайтди.

Дилдора Жамолова Успенский номидаги Республика махсус мусиқа интернат мактабининг фортепиано бўлимини 1983 йилда аълога битириб, ўша йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон Давлат консерваториясига ўқишга кирди. 1988 йилда олий ўқув юртининг фортепиано бўлимини имтиёзли диплом билан тугатиб, ўзи ўқиган мактабга ўқитувчи бўлиб ишга кирди. 1996-2000 йилларда Педагогика илмий-текшириш институтининг сиртқи бўлимини тугатди ва 2003 йилда педагогика фанлари номзоди илмий унвонига эга бўлди. 1989 йилдан буён Ўзбекистон Давлат консерваториясида дарс бериб келмоқда. Шунингдек, Успенский номидаги махсус мусиқа мактабида ҳам директор ўринбосари лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Мен нимагаки эришаётган бўлсам ҳаммаси ўз меҳнатим ва изланишларим самарасидир,—дейди биз билан сухбатда Дилдора Жамолова.— Дунёда инсон яшар экан ўзимдан яхши ном, фойдали иш қолдирсам дейди. Мусиқа санъати туфайли мен дунёни янада равшанроқ англай бошлаганман. Зеро, санъат инсонларни эзгуликка чорлайдиган ягона воситадир. Бугунги шогирдларимни дунё тан олмоқда, бу мен учун фахр ва катта бахт. Истайманки, оламда фақат тинчлик куйлари янграсин. Инсонлар куй ва қўшиқ оҳангидан сархуш ва шодон умр кечирсинлар.

Дилдора опа ҳақ гапни айтди. Санъат доимо кишилар онги ва шуурига эзгулик, гўзаллик ва яхшилик туйғуларини сингдиради. Мақоламиз қаҳрамони эса бу йўлда тиним билмай меҳнат қилаяпти, изланишлар олиб бораяпти. Ёшларга билим бериб, улар истеъдодини ва маҳоратини шакллантиришга астойдил ҳисса қўшаяпти. Шунинг учун ҳам ҳар қандай муваффақият унга ҳамроҳ ва эшдир.

Гулчехра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: «Дўстлик» ордени нишондори Дилдора Жамолова шогирди билан.

ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ЗУККО, БИЛИМДОН, САРАНЖОМ-САРИШТА, ПАЗАНДА ВА ЧЕВАР БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИДА ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИНИНГ ҲАМ РОЛИ БЕҚИЁСДИР. ЧУНКИ БУГУНГИ ҚИЗЛАР КЕЛАЖАКДА ОИЛАНИНГ САРИШТАЛИ ФАРИШТА БЕКАСИ, БОЛАЖОНЛАРНИНГ МЕҲРИБОН ОНАСИ, ЖАМИЯТНИНГ ОҚИЛА ВА СОЛИҲ ЯРАТУВЧИСИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Танловлар

ҚИЗЛАР КАШТА ТИККАНДА

Учтепа туманидаги Миллий касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган «Қизлар кашта тикканда» деб номланган танловда коллежнинг тикувчилик бўлими қизлари иштирок этдилар.

Ўқув муассасамизда турли хил танловлар ва мусобақаларни йил давомида ўтказиб борамиз,—дейди Миллий касб-ҳунар коллежи директори Шуҳрат Иноятов. Мазкур танловни ўтказишдан асосий мақсадимиз бизда таҳсил олаётган қизларга фақат касб-ҳунар ўргатибгина қолмасдан, балки уларни турмушга тайёрлаб бориш, ҳаёт қийинчиликлари, оила ташвишлари олдида ўзларини йўқотиб қўймасликлари учун ҳар томонлама тарбия ва ўгитлар бериб боришга эришишдир. Шунингдек, йўқолиб бораётган каштачилик санъатини ҳам қайта йўлга қўйиб қизларимизнинг нечоғлик ҳунар ўрганаётганликларига яна бир бора теран нигоҳ ташладик. Қизларимизнинг ҳаётда юзлари гул-гул яшнаб, қалбларида доимо шукроналик туйғуси бўлишини, ўзларини ҳар бир ишда масъул сезиб яшашларини истайман. Бугунги танлов улар учун шунчаки бир қизиқарли мусобақа ҳисобланса-да, аслида танлов замиридаги мақсад қизлар ҳаётига керакли бир йўлланма ҳисобланади. Истаймизки қизларимиз оқила, солиҳа, доно, илмли, пазанда, чевар бўлиб камолга етсинлар ва биз улар билан доимо фахрланиб юрайлик.

Касб-ҳунар коллежида ўтказилган танловда ўқувчи қизлар ўзларининг қанчалик моҳир чевар эканликларини намойиш қилиб қолмасдан, балки пазанда, зукко эканликларини ҳам исботлаб бердилар. Улар тикув машиналарида турли хил матоларга гуллар кўринишидаги зарҳал кашталар тикдилар. Жумладан, чойнаклар учун кийдиргичлар, елпиғичлар, нимчаларга безакларни бежирим тарзда тикиб ҳайъат аъзоларига кўрсатдилар.

Шунингдек, танлов иштирокчилари эркин мавзудаги қўшиқ, рақс ва монологлари билан танловнинг янада мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлашди.

Танлов доирасида дизайн бўлими ўқувчилари ўзлари кашф қилган турли либосларини, заргарлик ва ёғоч ўймакорлиги бўлими ўқувчилари эса яратган ишларини йиғилганлар эътиборига ҳавола этдилар.

(Ўз мухбиримиз).

СУРАТДА: танловдан лавҳа.

Транспорт

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИНИ ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. ЕР ОСТИ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ЮНУСОБОД ЙЎНАЛИШИДА ҲАМ БУНДАЙ ҚАТОР ЯНГИЛИКЛАР ЮЗ БЕРДИ.

Поезд нозимхонасида эса янги автоматлаштирилган бошқариш тизими жорий этилди. Бу билан поездлар қатновини янада яхшилаш имкони туғилди. Унда 2 та электрон ҳисоблаш машинаси, 5 та монитор, ҳарфли-рақамли клавиатурадан ҳам фойдаланилмоқда. Алоқа канали адаптери ҳам ишга тушди.

Автоматлаштирилган тизимда эски пульт-табло, пульт-манипулятор конструкциялари янгиланди. Бу эса бошқарувни замонавий усулда автоматлаштириш имконини берди.

ЙЎНАЛИШЛАР УЗАЙТИРИЛДИ

«ТОШШАҲАРАВТОБУСТРАНС» КОМПАНИЯСИ ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ТУҒДИРИШ МАҚСАДИДА ҚАТОР ИБРАТЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ БИР МАРОМДА ҲАРАКАТЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ҚЎШИМЧА АВТОБУСЛАР АЖРАТИЛМОҚДА.

«12-автобус саройи»нинг 39-автобус йўналишида қатнаётган йўловчилар ҳам ҳайдовчилар хизматидан мамнун бўлишмоқда. Автобуслар қатнови янада узайтирилди. Эндиликда ушбу йўналишдаги автобуслар Шоҳсанам бекатидан Кадишев кўчасигача қатнамоқда. Шу боис бу йўналиш «Сергели-1 мавзеси—Кадишев бозори» деб номланди.

Бундай қулайликлар 28-автобус йўналишида ҳам яратилди.

ЯНГИ ШОҲБЕКАТ

ПОЙТАХТИМИЗДА ЯНА БИР ЙИРИК АВТОБУС ШОҲБЕКАТИ БУНЁД ЭТИЛДИ. ЮНУСОБОД 9-МАВЗЕСИ ОХИРГИ АВТОБУС БЕКАТИ ЎРНИДА БАРПО ҚИЛИНГАН БУ ИНШООТ 0,36 ГЕКТАР МАЙДОННИ ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ.

«Сифатли йўл қурилиши» фирмаси бинокорлари томонидан қуриб битказилган шоҳбекатда йўловчилар учун қатор қулайликлар муҳайё қилинди. Автобусларнинг тўхташ жойларига кечани кундуздек нурафшон қилувчи осма чироқлар ўрнатилди. Эндиликда бу ердан 93,96, 111, 121-йўналишдаги автобуслар йўлга чиқаётир.

Акбар АЛИЕВ

Туманларда

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

БУГУНГИ КУНДА ҚАЙСИ БИР СОҲАНИ ОЛИБ ҚАРАМАНГ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ИШЛАРИДА ФАОЛЛИГИНИ, БИРДАМЛИГИНИ КЎРИБ ҲАВАСИНГИЗ КЕЛАДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2004 ЙИЛ 25 МАЙДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН МУҲИМ ДАСТУРУЛАМАЛ БЎЛИБ, МАЗКУР ФАРМОНДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ БОРАСИДА ШАҲРИМИЗДАГИ ТУМАНЛАР ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ДИҚҚАТГА САЗОВОРДИР.

Хусусан, айниқса Собир Раҳимов туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар бошқаларга ибрат бўлмоқда.

—Туманимизда 300 минг аҳоли мавжуд бўлиб, шундан 151 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади,—дейди биз билан суҳбатда Собир Раҳимов туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Муқаддам Расулова.— Халқ хўжалигининг асосий тармоқларида, айниқса таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Қўмита томонидан 2004-2007 йиллар давомида тумандаги 58 та маҳалла аҳолиси, олий ўқув юртлари ва уларга қарашли талабалар турар жойларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, умумтаълим мактаблари ўқувчилар ўртасида, шунингдек туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасига қарашли тиббиёт муассасаларида, ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотларда фаолият кўрсатувчи хотин-қизлар ўртасида Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва ушбу Фармонга биноан Вазирлар Маҳкамасининг 299-сонли қарорининг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида турли мавзуларда тадбирлар ўтказилди. Аввало қўмитамизда Фармон ижросини таъминлаш мақсадида 3 та йўналишдаги, яъни «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш соҳасидаги муаммолар», «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш соҳасидаги муаммолар», «Хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий, меҳнат ҳуқуқлари борасидаги муаммолар»нинг ечимини ҳал қилиш бўйича Ҳаракат дастурлари қабул қилинган ва ҳар бир асосий йўналиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилиб, бошланғич ташкилотларда режа асосида фаолият олиб борилмоқда.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, туман «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони юзасидан туман маҳаллалари аҳолиси билан йиғилишлар ўтказилиб, унда Фармоннинг моҳияти, ёш оилаларга бериладиган имтиёзлар, ипотека кредитлари олиш тартиблари юзасидан мутахассислар томонидан тушунтиришлар берилди. Шунингдек, тумандаги 58 та маҳаллада 30 ёшгача бўлган ёш оилаларнинг умумий рўйхати олиниб, уларнинг маълумот ва даромад даражаси, ипотека кредитларига, уй-жой сотиб олишга, уй-жой қуришга, таъмирлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлашга, шунингдек, узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур буюмлар сотиб олишга эҳтиёжлари ўрганиб чиқилди ва Фармон ижроси бўйича туман комиссиясига тақдим этилди.

Эзгулик, хайру саховат, меҳр-мурувватлилик халқимизга хос инсоний фазилатлардандир. Туманда бу борада олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор, десак адашмаймиз. Ўтган ярим йилликда туман ҳокимлиги ва ҳомийлар иштирокида тумандаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 60 нафар оилалар фарзандларига суннат тўйи, 8 та никоҳ тўйи ўтказилиб, уй-жой коммунал тўловларидан қарздорлиги бўлган 140 нафар фуқарога жами 10 миллион сўм миқдорида тўловлар тўланди. Тумандаги олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 15 нафар ногирон талабаларга жами 750 минг сўм миқдорида ёрдам берилди, уйи ёнган 4 нафар оилага уйларини таъмирлашда кўмаклашилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, шу йил сентябрь ойида туман хотин-қизлар қўмитасининг I У конференцияси ўтказилиб, унда қўмитанинг фаолияти таҳлил қилинди, мавжуд камчиликлар аниқланди ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди...

Туман хотин-қизларининг фаоллиги, ташаббускорлиги натижасида амалга оширилаётган бу каби ишлар бошқаларга ибрат бўлиши шубҳасиз.

Дилором ИКРОМОВА

Санъат

ЯНГИ ЖАНРДАГИ СПЕКТАКЛЛАР

РЕСПУБЛИКА ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ САҲНАСИДА БОЛАЛАР УЧУН МЮЗИКЛ ЖАНРИДАГИ АСАРЛАР ҲАМ ҚЎЙИЛА БОШЛАНДИ. «БОРСА КЕЛМАС» ДЕБ НОМЛАНГАН МЮЗИКЛ СПЕКТАКЛИ ҲАМ ТОМОШАБИНЛАР ТОМОНИДАН ЯХШИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Театр ўзининг янги ижодий мавсумини ушбу постановка билан бошлади. Мавсум давомида бундай қизиқарли асарлардан яна бир нечтаси мухлислар эътиборига ҳавола қилинади.

Ўзбекистон халқ шоири, болаларнинг севимли адиби Анвар Обиджон қаламига мансуб бўлган «Аламазон» деган спектаклни постановка қилишга ҳам киришилди.

Бу спектакль миллий болалар мюзикли сифатида саҳна юзини кўради.

ИНСТИТУТДА ХОТИРА КЕЧАСИ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТЕАТР САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА УСТОЗ МАННОН УЙҒУРНИНГ ХИЗМАТЛАРИ КАТТА БЎЛДИ. ТАНИҚЛИ ЎЗБЕК ТЕАТРИ АРБОБИ, ЕТУК РЕЖИССЁР, АКТЁР, ДРАМАТУРГ ВА ПЕДАГОГ БЎЛИБ ТАНИЛГАН БУ САНЪАТКОР ТАВАЛЛУД ТОПГАНИГА 110 ЙИЛ ТЎЛДИ.

Саҳна санъатининг сарвари ҳисобланган М.Уйғур ҳаммаси бўлиб 61 йил умр кўрган бўлса-да, жуда катта иш қилиб кетди. Москвада драма студиясини тузиб, унга бош-қош бўлди. Бухоро театрини ташкил этди. Актёр сифатида турли тоифа ролларни ижро этиб, маҳоратини намоён қилди. Умуман, унинг раҳбарлигида юздан ортиқ асар саҳна юзини кўрди. Шу ўринда жаҳон ва рус драматургиясининг «Гамлет», «Отелло» ва «Ревизор» каби нодир дурдоналарини айтиб ўтиш жоиздир. «Алишер Навоий» спектакли ҳам машҳур бўлди.

Устоз санъаткор таваллуди санаси муносабати билан Тошкент Давлат санъат институтида хотира кечаси ўтказилди. Сўзга чиққанлар севимли санъат арбобига ҳурмат ва эҳтиром билдирдилар.

Азиза КУНИШЕВА

ГЎЗАЛЛИК ОЛАМИДА

СОЧЛАР ХОТИН-ҚИЗЛАРГА КЎРК ВА ЧИРОЙ, ЛАТОФАТ ВА ЛОБАРЛИК БАХШ ЭТИБ ТУРУВЧИ, УЛАРНИНГ ЧЕҲРАСИГА НАЗОКАТ ВА НАФОСАТ РАМЗИНИ БЕРУВЧИ ЭНГ МУҲИМ ВОСИТА ҲИСОБЛАНАДИ. ЗЕРО АЁЛЛАРНИНГ БОР ГЎЗАЛЛИГИ СОЧЛАРИ БИЛАН УЙҒУН ВА БАРҚАРОРДИР.

Биз саҳифаларимизда доимо соч парваришлари ҳақида маслаҳатлар бериб борамизу аммо, уларга зеб ва оро бағишловчи уста сартарошлар ҳақида ҳадеб ёзавермаймиз. Бугун эса хотин-қизларнинг сочларини орасталовчи, уларга ҳусн ва ўзига хос чирой бағишловчи моҳир аёллар сартароши Дилоромхон Бобохонова ҳақида сўз юритамиз.

Дилором асли Тошкент шаҳрида туғилган. Пойтахтдаги 197-мактабни тугаллаганидан сўнг Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетига ўқишга кирди. 1997 йили олий ўқув юртини тугатиб бир неча йиллар 123- мактабда ўқувчиларга сабоқ берди. Ёшларга билим бериш билан бирга «Зукко» ўқув марказида аёллар сартарошчилиги курсида ўқиди.

Бир неча йиллар аёллар сартароши сифатида фаолият кўрсатди. Оиласининг сариштали бекаси, икки нафар фарзандларининг меҳрибон онаси, қайнонасининг суюкли келини Дилоромхон Бобохонова бугунги кунда «Бону» гўзаллик салонининг раҳбаридир. Аёллар гўзаллик салони яқиндагина очилганига қарамай доимо мижозлар билан гавжум.

— Аёлларимизнинг гўзал, ораста бўлиб юришларини истайман дейди Дилором биз билан суҳбатда. — Аёл гўзаллиги дунёни қутқаради, деган ибора бежизга айтилмаган. Учтепа тумани «Тақачи» маҳалласида жойлашган «Бону» номли гўзаллик салонимиз эндигина иш бошлади. Режаларимиз ҳам, орзуларимиз ҳам жуда кўп. Худо хоҳласа салонимиз аёлларимизнинг энг ишончли ва севимли гўзаллик масканига айланади. Бу ерда малакали косметологлар ҳам фаолият олиб борадилар. Зеро, бекаларимизнинг ҳар томонлама ораста, мафтункор бўлиб юришлари наинки оилаларини мустаҳкамлайди балки ўзларининг кайфиятлари чоғ бўлишини ҳам таъминлайди. Истагим, хотин-қизларимиз доимо ўзларига қараб, дид билан кийиниб, сочларини чиройли турмаклаб юрсинлар. Ўзбек аёллари ҳар бир ишга доимо улгурадилар, шунинг учун ҳам уларни сариштали фаришталар деб атайдилар.

Дилором Бобохонова ҳақ гапни айтди. Аёл ҳар доим ўзига қарашга вақт ва имконият топмоғи лозим. Чунки аёл бу дунёни тебратувчи, оламга гўзаллик бахш этувчи, оилага файз ва тароват улашувчи энг азиз, муқаддас ва мукаррам зотдир.

Ойдин ИБРАГИМОВА

АЁЛНИНГ ЮРАГИ ЯНА БЕЗОВТА УРА БОШЛАДИ. КЎНГЛИ ХИЖИЛ ВА НОТИНЧ БЎЛДИ. ШУ КЕНГ ОЛАМГА СИҒМАЁТГАНДАЙ, ЗАМИН УНГА ТОРЛИК ҚИЛАЁТГАНДАЙ ОЖИЗ ВА НОЧОР СЕЗДИ ЎЗИНИ. ДУНЁДА АЛДОВ, ХИЁНАТ, РАЗОЛАТ ВА ТУҲМАТ КАБИ ИЛЛАТЛАРНИНГ БОРЛИГИНИ БИЛАРДИ, БИЛАРДИ-Ю БИР КУН КЕЛИБ БУ БАЛОЛАР ЎЗ БОШИГА ТУШИШИНИ СИРА ҲАМ ЎЙЛАМАСДИ. ЎЙЛАСАДА ЧЎЧИМАСДИ. САБАБИ УНИ ҲАЁТДА УЧРАБ ТУРАДИГАН ВА СОДИР БЎЛМОҒИ МУМКИН БЎЛГАН ОДДИЙ ҲАЁТИЙ ЖУМБОҚ ДЕБ БИЛАРДИ.

Туйғулар

ИШОНЧ УЙИ

Аммо дилни яра қиладигани, юракни эзиб адо қилиб азоблайдигани, ўкинч ва изтироблар сари етаклайверадигани, кўз ўнгидан сира кетмайдигани хиёнат ва туҳмат унга ўз уйида қўшалоқ келди. Хиёнат юрагини тимдаласа, туҳмат бутун вужудини парча-парча қилиб ташлади. Аёл зотини ҳимояловчиси, керагида суянч, керагида паноҳ бўла оладиган эркак деб аталмиш паҳлавон эса ўзини турли баҳоналар билан оқлайверди. Аёлнинг хаёлидан биргина сўз ўтди «ёнимдаги меҳрибон хиёнаткорим»... У кўзларини юмди, ҳеч нарсани ўйламасликка уринди, аммо юрагига яқин бўлиб қолган бу инсонни сира ҳам кечира олмади. Ўзининг нечоғлик ерпарчин бўлганини ҳис қилгани сайин, айбим нима эди дея ўйлайверди. Чунки бу аёл ҳеч қачон эрининг сўзини икки қилмаган, ҳар доим ва ҳамиша унинг ҳар қандай айбу нуқсонларини яшириб келаётганди. Хиёнаткор ўз айбларини туҳмат билан ёпишга, хаспўшлашга ҳаракат қилди. Аёл унга ортиқча бирон сўз айтмади, бақириб-чақириб, йиғлаб айюҳаннос ҳам солмади. Бироқ илк бора ўз ҳаётидан норозилиги кучайди. Нафрат нималигини билмайдиган беозор юраги нафрат ҳислари билан лиммо-лим тўлди. Қалбида алам, хўрлик, чидаб бўлмайдиган оғриқни ҳис қилди. Томирларида қон эмас гўё азоб тўлқинлари мавжланди. Одамларга нисбатан ишонч туйғулари йўқолди. Юраги ғижимлаб, симиллаб оғрий бошлади...

«Мен яшашим керак, ҳеч нарса бўлмагандай ўзимни асрашим-авайлашим лозим, ахир болдай ширин фарзандларим, кўнглим ардоғи бўлган болаларим борку. Уларнинг келажаги, бахту иқболи ҳақида ўйлашим, соғлиғини асрашим, уларга фақатгина бахтли болаликни тақдим қилишим лозим», деган фикрлар хаёлидан зувиллаб ўтди. Хиёнаткорнинг қилмишини ўйламасликка, кўнглининг тубига кўмишга ўз-ўзига сўз берди. Аммо нимадир ҳар кун, ҳар соат кўнглини ғашлайверди, юрагини тимдалайверди. Исёнкор дил исён кўтараверди. Асосийси эса ишонч уйига ўт кетди. Бу энг даҳшатли фожеа эди у учун.

Қулоқлари остида эса хиёнаткорларнинг ожиз ва ялинчоқ овозлари янграрди «мени кечиринг, мени кечир»....

Гулчехра САТТОР қизи

Өз-өз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб

ҲИКМАТЛАР

Ҳунар зоеъ бўлур кўргузмаса эр,
Ҳунар кўргузган эр шаҳду шакар ер.

* * *

Эй ўзин Рустам сифатли паҳлавон кўрган фато,
Куч билан бўлмас саодатнинг этакин тутмаҳ.
Минг ҳунар бўлса бир эрда бўлмаса гар давлати,
Чун саодат йўқтур – эрдам фойда қилмас анга.

* * *

Икки оқил аро уруш бўлмас,
Оқил аблаҳ сўкунчина қолмас.
Жавр қилса нечаким аблаҳ анга,
Кўнглун олур анинг бу лутф била.
Узмас икки биликли бир қилни,
Сақламас аҳмақ одамий тилни,
Икки жоҳил қачон уруш бошлар,
Юз бузарлар уруб, ёриб бошлар.

* * *

Эрдамин кўрган кишига фойданг
Тегмаса, бори зиёнинг тегмасун.

* * *

Ҳар ким не кўнгул тиласа, кўркли улдур,
Ишқина ҳамиша жой ичинда йўлдур.

* * *

Чўнг севди хожа жондан қулни бек,
Хожаси қул бўлди, қули бўлди бек.

* * *

Душманин ўлтурур баҳодур эр,
Дўстин ул ҳабиб қатл қилур.

* * *

Қачон кўнглунгда қилса ишқ маскан,
Алифдан "бе"ю "те"ни билмагайсан.

* * *

Чунки бердинг кўнгул ул ой юзга,
Қил таҳаммул неча жафо қилса.
Лутф этиб издаса мурувват анинг,
Қаҳр этиб ҳукм анинг сурур бўлса.

* * *

Не қайғу севмаса гулни заҳизғон,
Туман булбул қилур ишқинда афғон.
Кунаш васлин тиламас бўлса ватвот,
Кунашнинг нурина андан не нуқсон?

* * *

Сўлди қизил гул янгоғинг, эй санам,
Шеваларинг равнақи бўлди адам.
Ҳукминг эшитур эди султони Чин,
Эмди бу кун сўзунг эшитмас чибин,
Жавр неча ошиқинга қилғасан,
Жону кўнгулни не билан олғасан.
Кечти жамолинг гулининг навбати,
Қилма тасаввур даҳи ул давлати.
Борғил ангаким, сенга жоним дегай,
Ноз анга қилғилки, сени издаҳай.

* * *

Гулларни қатинда кўймайин бир соат,
Ул ким уюмас эди, жаҳондан кетти.
Даврони замон юзи гулини тўкубон,
Туброқи уза анинг тиканлар битти.

* * *

Бўлмаса захми тикан, жаннат эди гул суҳбати.

* * *

Соғ эр билмас жароҳат оғрисин,
Дардни чеккан киши билур яқин.

* * *

Бўлмаса ҳолинг бизингдек, эй азиз,
Бил, ҳикоятдур қотингда ҳолимиз.

* * *

Нисбат этма дардим ўзга дардина,
Туз тўкар ёрим жароҳат устина.

* * *

Юз қўюб дўст юзуна ётқил,
Душман ул яхшиким куя турса.

* * *

Бир ишни ким ўфка билан ишлагай,
Қилиб, ҳайф, сўнгра алин тишлагай.

* * *

Ким ўч олмоқдан эса афв хушроқ.

* * *

Менга тўймас кўзум хижлат кетурди.

* * *

Муаллим бўлмаса ҳайбатли, эй ёр,
Сақолиндан тутуб ўғлонлар ўйнор.

* * *

Ғанимат тут бу шодий фурсатинким,
Букун тонгла учун оқил эмас ғам.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Шахримизнинг куз манзаралари

ҚАДРИЯТЛАР ШАКЛЛАНАДИ

РЕСПУБЛИКА "КАМОЛОТ" ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА "ЁШЛАР ҲАЁТИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ" МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ.

Ўқувчи-талабалар иштирок этган тадбирда миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида маърузалар қилинди. Айни пайтда мамлакатимизда истиқомат қилаётган бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ҳам ўз диний эътиқоди, маданияти ва қадриятига эга. Анжуман давомида юртимизда уларнинг мавжуд урф-одатларини, анъаналарини янада ривожлантириш, диний бағри кенглик тушунчаларини шакллантириш, ёшларнинг турли ахборот хуружларидан ҳимоялаш каби қатор муҳим мавзулар юзасидан фикр алмашилди. Ўзаро савол-жавоб, мулоқот тарзида ўтган анжуман доирасида ёш кадрларни тайёрлашда миллий қадриятларнинг ўрни, жамиятда миллий қадрият тушунчаларининг ифодаланиши мавзусидаги маърузалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

ТИЛ — МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИДА "ТИЛ — МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ" МАВЗУИДА ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

Ўн саккиз йил аввал ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, давлат тилидаги қонуннинг қабул қилиниши она тилимизга давлат тили мақоми берилганини ҳуқуқий кафолатлаган бўлса, ўтган вақт мобайнида ушбу ҳужжат ижроси таъминланаётгани тил тараққиёти йўлида катта хизмат қилмоқда. Айтиш жоизки, бугунги кунда ўзбек тили ривожи йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли унинг нуфузи ва ўрни тобора ортиб бормоқда. Чет давлатлардаги нуфузли университетларда ўзбек тилининг тадқиқ этиш марказларининг ташкил этилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Анжуманда таъкидланганидек бошқа қонунлар каби давлат тили ҳақидаги қонун ижросига ҳам фақат назорат қилувчи органлар эмас, балки шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаро масъулдир. Зеро, она тилини улуғлаш, сўзни қадрлаш инсон бурчидир. Тадбирда ёш авлод тарбияси, маънавияти ва камолотида она тилимизга бўлган муносабат алоҳида ўрин тутиши таъкидланди. Тилга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни шакллантиришда ёшларнинг нутқий маданиятини юксалтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

"Туркистон-пресс"

ОЛИМПИАДА САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

ЧИКАГО (АҚШ) ДА ҲАВАСКОР ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТАЁТГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ТЎРТ НАФАР СПОРТЧИМИЗ МЕДАЛЛАР УЧУН КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИГАН БЎЛДИ.

Эллик етти килограммда Баҳодиржон Султонов Шимолий Корея вакилини 31-8 натижаси билан енгиб, россиялик Алберт Филимовга қарши ўтадиган ним чорак финалга йўлланма олган бўлса, етмиш беш килограммда Эшод Расулов венгриялик Ислан Дилини 22-3 натижаси билан мағлубиятга учратди. Олтмиш ва саксон бир килограмм вазн тоифасида Беҳзод Хидиров ҳамда Аббос Отаев навбатдаги жангни муваффақиятли ўтказди.

Айтиш жоизки боксчиларимиз кейинги босқичда ғалаба қозонса 2008 йилда Хитой пойтахти Пекинда ўтказиладиган йигирма тўққизинчи ёзги олимпиада ўйинларига тўғридан-тўғри йўлланма олади.

Спорт янгиликлари

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

АҚШНИНГ ЧИКАГО ШАҲРИДА БОКС БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ.

Чикаго рингларида 122 мамлакатдан келган 700 нафардан ортиқ чарм қўлқоп усталари орасида мураббийлар Шароф Худойбердиев ва Александр Размахов етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда. Шуниси қувонарлики, юртимиз шарафини халқаро мусобақаларда тобланган Олимжон Назаров, Тўлашбой Дониёров, Баҳодир Султонов, Орзубек Шойимов, Дилшод Маҳмудов, Беҳзод Хидиров, Эшод Расулов, Беҳзодбек Юнусов, Жасур Матчонов, Рустам Саидов, Аббос Атоевлар ҳимоя қилишмоқда.

Куни кеча айрим вазн тоифаларида учрашувлар уюштирилди. 64 килограммлилар баҳсида иорданиялик Иброҳим ал-Гароҳирга қарши рингга кўтарилган ҳамюртимиз Орзубек Шойимов рақибини очколар ҳисобида мағлуб этиб кейинги босқичга йўлланма олди. Айнан шу вазнда франциялик Алексис Вастен билан куч синашган Дилшод Маҳмудов кутилмаганда жангни бой бериб қўйди.

Дарвоқе, ушбу нуфузли турнирнинг совриндорлари ҳамда кучли саккизликдан ўрин эгаллаган боксчиларга «Пекин-2008» йўлланмаси насиб этади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

АЗИЗБЕК КУЧЛИЛАР ОРАСИДА

ТОШКЕНТНИНГ "ҚУРУВЧИ" ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИЯ ВА МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ ЯРИМ ҲИМОЯЧИСИ АЗИЗБЕК ҲАЙДАРОВ ОСИЁНИНГ 2007 ЙИЛДАГИ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ УНВОНИ УЧУН КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА.

Осиё футбол конфедерацияси томонидан ўтказилган барча мусобақалар таҳлилига кўра, умумий рўйхатдан ўн беш нафар номзод саралаб олинди. Жорий йилги мавсум якунига қадар бўладиган расмий учрашувлар орқали улар орасидан энг кучли футболчи танлаб олинади. Тақвимда қайд этилган футболчилар рўйхатига кўра Азизбек Ҳайдаров имкониятлари яхши баҳоланмоқда.

Рустам Ҳайдаров,
"Туркистон-пресс"

"Тошкент оқшоми" саломатлик хизмати

ЯНГИ КОМПЛЕКСНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

1998 йилдан буён юз минглаб гипертония ва юрак хасталиги билан оғриган кишилар бедаво дардларидан мустақил халос бўлишган, дори-дармонлар қабул қилишни тўхтатишган. Тиббиёт фани изоҳлаб беролмаган бу сир жуда оддий: беморлар касалликлари сабабини барҳам топтириб, саломатликларини тиклаб олишган. Бугунги суҳбатдошимиз тиббиёт фанлари номзоди Муҳаммаджон Миршарипов шу ҳақда ҳикоя қилади.

Бир вақтлар академик Е.Чазов кардиологлар конгрессида шундай деган экан: "Ташхис қўйишнинг янги усуллари пайдо бўлгани, дори воситалари ва жарроҳлик усуллари жуда катта кўламига қарамай, даволаш самарадорлиги ошмай қоляптигина эмас, балки касалхоналардаги ноҳуш ҳолатларнинг ўсиб бориши бу самарадорлик ҳатто пасайиб бораётганини кўрсатади".

Халқ "барча касалликлар асабдан" келиб чиқишини аллақачонлариёқ тушуниб олган. Ҳар қандай одам инфаркт бошдан ўтказилган қаттиқ стресс натижаси эканини билади. Кардиологлар эса, ҳатто академик Е. Чазов 2003 йили юрак-қон томирлари касаллигидан юз берадиган ўлим ҳолатлари кўплигининг сабаблари бевосита семириб кетишга ҳам, чекишга ҳам, холестерин моддасининг кўпайиб кетишига ҳам алоқаси йўқлигини, бу сабабларни стресслар асоратидан излаш керакликини айтганига қарамай, буни ҳамон атеросклероз ва қон таркибида холестерин ортиқ даражада бўлиши билан боғлаб келмоқдалар.

Кейинги саккиз йил давомида фазовий тиббиёт асосчиларидан бири, Россия тиббиёт фанлари академиясиинг ҳақиқий аъзоси Н. Агажанян раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар айнан шу йўналишда иш олиб боришди. Физиологлар ва муҳандислардан иборат бу гуруҳ аввало юрак-қон томир касалликлари стресслар натижасида аста-секин авж олиб борадиган ўзимиз сезмайдиган асаб тизимимизнинг доимий ортиқча қўзғолган ҳолати ва унинг натижасида барча микротомирларнинг мунтазам торайиб (спазмга учраб) бориши натижаси эканини назарий ва амалий исботлаб берди.

Шунингдек, гуруҳ аъзолари яширин босқичдаги юрак-қон томир касалликларини ташхислаш имконини берадиган оддий асбоб (капнометр)ни яратишди ва бу касалликларнинг реал олдини олувчи муолажаларни амалга оширишди. Улар томонидан яратилган яна бир қурилма – капникатор ҳамда мутлақо оғирлиги тушмайдиган бир неча ой давомидаги муолажалар орқали юрак-қон томир касалликларини барҳам топтириш имконини берувчи услуб яратилдики, унинг ёрдамида микротомирлар спазмини йўқотиш, мия, юрак, жигар ва бошқа аъзоларни қон билан нормал таъминлаш – "асабларни тинчлантириш"га эришилди.

Олимлар тадқиқотлари натижалари "Боши берк кўчадан чиқиш" деб номланган илмий-оммабоп китобда ва илмий монографияда баён қилиб берилган. Ихтиро Брюсселда (1999), Парижда (2000), Москвада (2001) бўлиб ўтган инновациялар халқаро анжуманларида юксак баҳоларга — икки олтин ва бир кумуш медалга сазовор бўлган.

Лекин олимлар йиллар мобайнида терапевтлар ва кардиологлар ҳузурида самарасиз даволаниб, ҳозирда гипертоник кризлар, стенокардия ва аритмия ҳуружлари, уйқусизлик, мигрень, ҳарсиллашлар нималигини унутиб юборган, фармацевтик дориларни қабул қилишни тўхтатган, инсульт ва инфаркт асоратларидан тез орада халос бўлган ҳамда уларнинг келажакдаги хавф-хатаридан бутунлай қутилган беморларнинг иннатдорчилигини ўзлари учун энг олий мукофот деб билишади.

Таассуфки, "Ўзини ўзи даволаш" мажмуи фақат реклама воситасида ёйилмоқда ва ҳозирча ўз номига мутаносибдир: инсон ўзи қарор қабул қилади ва ўзини ўзи даволайди. Унинг расмий соғлиқни сақлаш органлари томонидан тарқалишига йўл очиб бериш юрак-қон томир касалликларини даволашнинг кенг истиқболларини очиб берган бўларди.

Олимлар фикрича, "ўзини ўзи даволаш" комплекси (капнометр + капникатор) ёрдамида кунига 30 дақиқадан уй шароитида олиб бориладиган муолажалар натижасида 4-10 ой давомида юқоридаги оғир касалликлардан халос бўлиш мумкин. Ушбу капнометр, капникатор, йўриқнома ва китобдан иборат комплексни E-mail: samozdrav@samtel.ru веб-сайти орқали суриштирса бўлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

1.РКМБ томонидан «Тошкент оқшоми» газетасининг 30.10.2007 йилдаги 209-сонида чоп этилган хабарномада бошланғич баҳоси—1 532 592 сўм деб чиқарилган Сергели тумани, Бирлик кўчаси, 70-уйда жойлашган, майдони 140 м.кв. бўлган «Қозонхона» (котельный) биносининг бошланғич баҳоси—6 061 300 сўм деб ўқилсин.

Манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй.

Телефон: 228-79-52
Интернетдаги сайтимиз: WWW. rkmb. uz.
Лицензия: DB 001 №000004

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Бек Фарм Нур» хусусий фирмасига Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Б.Зокиров кўчаси, 6-А уйда дорихона шохобчаси очиш учун 6.04.05 йилда берилган №4874 сон рақамли лицензия нусхасининг 5.10.06 йилда 14-сонли қарор билан тасдиқланган ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2007 йил 4 декабрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига

қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2004 йил 12 ноябрдаги 38264/7-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Зарқайнар кўчаси 6-боши берк кўча, 36-уйда сақланаётган, давлат рақами 30К15-70 бўлган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган «Ниссан Ленглет» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1.440.000 сўм. Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев, 1. Тел: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

«TOSHKENT ShAHAR TELEFON TARMOG'I»
ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TshTT» филиали маълумотларни узатиш тармоғининг модернизация қилиниши муносабати билан Интернетга кенг кўламда кириш зонаси ҳам кенгайди. Янги анжомлар 144-АТС, 267-АТС, 291-АТС, 254-АТС, 255-АТС, 134-АТС, 135-АТС, 265-АТС, 295-АТС, 274-АТС, 112-АТС, 264-АТС, 250-АТС, 298-АТС, 246-АТС, 251-АТС, 272-АТС, 292-АТС, 247-АТС, 114-АТС, 115-АТС, 279-АТС, 143-АТС, 160-АТС каби АТСларга ўрнатилган.

Интернет тармоғига уланиш — бепул.

Шартноманинг амал қилиши муддати вақтида модем — бепул.

Маъмурият

Алоқа учун телефон: 152-53-08

«TOSHKENT ShAHAR TELEFON TARMOG'I»
ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Реконструкция ва модернизация ишларининг амалга оширилиши муносабати билан видеотелефон хизмати жорий этилди. Видеотелефонга эга бўлган ҳамда шаҳарнинг ҳар қайси қисмида туриб нафақат сўзлашиш, балки ҳамсуҳбатингизни кўришингиз мумкин. Видеотелефонияга ажратилган тармоқни 200хххх тарзида рақамлаштириш кўзда тутилган.

«Видеотелефония— Unjimited»нинг тариф режаси:

1.Телефон тармоғига чиққанлик учун ҳақ мавжуд тарифларга кўра ҳар бир телефон узелида олинади.

2.Видеотелефондан фойдаланганлик учун абонентлик тўлови бир ойга 77000 сўм этиб белгиланган. Тўлов жадвални ҳисобга олмаган ҳолда сўзлашув вақтини ўз ичига олади.

Шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун ҳақ прейскурантга мувофиқ тўланади.

Tshttнинг халқаро алоқалар учун «IP телефония ва Интернет» тўлов карталаридан фойдаланилганда тўлов арзонроқ бўлади.

Тариф ADSI модеми, видеотелефоннинг қийматини ўз ичига олмайди.

Маъмурият

Маълумотлар учун телефон: 255-73-99.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1006

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 14:21